**Юк ташувчи ва енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА № 01**

**Тошкент ш** **«14» Январь 2022 й.**

Низом асосида фаолият кўрсатаётган ООО «MANSTERA HAUSE» директор Иманазаров Г.Г.«Бажарувчи» сифатида ва «Узбектелеком» АК номидан «Бош коммутация маркази» филиали директори Арифханов С.А. Низом асосида фаолият кўрсатувчи Бундан буён «Буюртмачи» сифатида, қуйидагилар хақида шартнома туздилар.

**1.Шартноманинг асоси**

1.1 «Буюртмачи» топшириғига биноан «Бажарувчи» белгиланган муддатда, буюртмага ва тўпланган хажмга асосан, юк ташувчи ва енгил автомобилларни жорий таъмирлашни ва техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади.

**2.Шартноманинг шартлари**

2.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» дан унинг ёзма талабига биноан юк ташувчи ва енгил автомабилни жорий таъмирлаш учун қабул қилади.

2.2. Жорий таъмирлашни ва техник хизмат кўрсатиш ишларининг рўйхати ва бахоси «Бажарувчи» томонидан аникланади ва «Буюртмачи» билан келишилади.

2.3. Жорий таъмирлашни ва техник хизмат кўрсатишнинг муддати ООО «MANSTERA HAUSE» бўлинмаларида юк ташувчи ва енгил автомобилларни жорий таъмирлаш холатида аниқланган ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- техник хизмат кўрсатиш- икки иш кунидан ошмаслиги;
- жорий таъмирлаш (кузовдан ташқари) – 15 кундан ошмаслиги;
- краскани шилган холда краскалаш ишлари – 15 кундан ошмаслиги;
- мураккаб кажжава-пайванд ишлари краскалаш ишлари билан биргаликда – 45 кундан ошмаслиги шарти билан.

2.4. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган холатларда иккала томон қонун асосида жавобгар хисобланади.

2.5. «Бажарувчи» автомобилларни кафолатли жорий таъмирлашни ўз зиммасига олади. Бажарилган ишларни кафолати ООО «MANSTERA HAUSE» бўлинмаларида юк ташиш ва енгил автомобилларни жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қоидасининнг 6.2. – модасига асосан «Буюртмачи»га топширилади.

2.6 Томонлар шартнома мажбуриятларини амалга ошириш учун барча зарур имкониятларини ишга солади.

**3. Автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш тартиби**

3.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг автомобиллини жорий таъмирлаш учун ўз омборида мавжуд эхтиёт қисмларидан фойдаланади.

3.2. «Бажарувчи» O`z OST 1049:2003 ва ООО «MANSTERA HAUSE» бўлинмаларида юк ташиш ва енгил автомобилларни жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қоидаларига биноан автомобильни таъмирлайди ва техник хизмат кўрсатади.

3.3.Бажарилган ишнинг бахоси юк ташиш ва енгил автомобилларга хизмат кўрсатишда белгиланадиган нархи, таъмирлаш ва эхтиёт қисмларининг умумий нархига асосланиб белгиланади.

**4.Хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг нархи, хисоб-китобларнинг тартиби**

4.1 Шартноманинг умумий миқдори 15 000 000 (ўн беш миллион) сум (ҚҚС хисобланмаган холда) .

4.1. Жорий таъмирлаш нархи бажарилган ишнинг дефект актига асосан аниқланади.

4.2.Жорий таъмирлаш учун хақ тулаш «Бажарувчи» «Буюртмачи»га счёт-фактура ёзиб бергандан сўнг 3 кун мобайнида амалга оширилади.

4.3. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг хисоб рақамига автомобилни жорий таъмирлаш учун 100 % пул ўтказгандан кейин «Бажарувчи» таъмирлаш ишини бошлайди.

## 5. Томонларнинг масъулияти

5.1 Агар «Буюртмачи» пул ўтказиш муддатларини бузса, «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан қарзларни тўлагунча автомобилга хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларини тўхтатишга хақлидир.

5.2 Агар «Бажарувчи» техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларини томонлар ўртасида келишилга муддат ичида бажармаса, у «Буюртмачи» га бажарилмаган ишнинг хар кунига 0,5% ўлчовида пеня тўлайди. Бироқ пеня бажарилмаган ишларнинг умумий миқдорининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.3 Агар «Буюртмачи» автомобилга жорий таъмирлангандан кейин хақни ўз вақтида тўламаса, хар кун учун бажарилган иш миқдорининг 0,4 % ўлчовида пеня тўлайди, аммо жарима бажарилган ишнинг умумий бахосини 50% дан ошмаслиги керак хамда автомобилни «Бажарувчи» нинг худудида сақлаганлиги учун хақ тўлайди.

5.4 Томонлар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишмовчиликларни музокаралар йўли билан хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо Тошкент туманлараро иқтисодий судида, ёки томонларнинг алоҳида келишувига асосан Хакамлик судида хал қилинади.

## 6. Шартноманинг амал қилиш муддати

6.1 Ушбу шартнома қуйидаги муддатга мулжалланган «08» Январь 2022 йилдан«31» декабрь 2022йилгача.

6.2.Шартнома томонларининг бирини огохлантирилиши натижасида бир ой муддатган сунг бекор қилинади.

6.3.Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи» да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да бўлади. Уларнинг иккиласи хам тенг хуқуқли юридик кучка эга.

## 7.Форс-мажор холатлари бўйича

7.1.Томонлардан бири шартномани форс-мажор холатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар зилзила, сув тошкини ва бошка табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

## 8.Юридик манзил, Банк реквизитлари ва томонларнинг имзоси.

**«Бажарувчи»**

**ООО "MANSTERA HAUSE"**
**Манзил:** г.Ташкент, ул. Бешкайрогоч , д. 128 «а»
**Х/р:** 20208000404701045001
**в** ЧАКБ «Давр Банк» Учтепинский Филиал
**МФО:** 01086
**ИНН:** 300805001
**ОКОНХ:** 14933 Тел 90 357-76-28

Директор Иманазаров Б. ________
(имзо) М.П.

MANSTERA HAUSE

**«Буюртмачи»**

**Манзил:** «O'ZBEKTELEKOM» AK
«BOSH KOMMUTATSIYA MARKAZI» FILIALI
100011, Toshkent sh., Navoiy 28
(+99871) 244-65-35, (+99871) 238-11-72
**Х/р:** H/R: 2021 0000 3040 7483 8...
**в** «ALOQABANK» ning Amaliyot Boshqarmasi
**МФО:** Bank kodi: 00401 STIR: 203 366 731 IFUT: 61...
**ИНН:** ________
**ОКОНХ:** ________

Директор ________
(имзо) М.П.

«BOSH KOMMUTATSIYA MARKAZI» FILIALI

1. Ижрочи ________
2. ИПБ ________
3. Юрист ________

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 002135-01

№ 002135

2015 yil "09" iyun

Mazkur guvohnoma *"MANSTERA HAUSE"*

yuridik shaxsga berildi.

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | *Mas'uliyati cheklangan jamiyat* | THSHT (ОПФ) 152 |
| Mulkchilik shakli: | *Jamoa* | MSHT (ФС) 142 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: | *BESHQAYRAG'OCH KO'CHASI, 128 A-UY* | MHBT (СОАТО) 1726262 |
| Yuridik shaxs kodi: | | KTUT (ОКПО) 21464421 |
| Asosiy faoliyat turi: | *Aholi buyurtmasiga ko'ra yengil avtomobillar va boshqa transport vositalarini ta'mirlash hamda texnik qarovini o'tkazish* | XXTUT (ОКОНХ) 14933 |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | | STIR (ИНН) 300805001 |

Qo'shimcha ma'lumotlar: *AVVAL TUMAN TSRO... AN RO'YXATDAN O'TGAN "MANSTERA HAUSE" XK NING ...UQUQIY VORISI*

Vakolatli organ boshlig'i: O.M...

MANSTERA HAUSE

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI